



2019 yil « 23 » март 92 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**“ORZU ABLAKULOV SERVIS” МЧЖ
ҚҚга инвестициявий ва ижтимоий
мажбуриятлар белгилаган ҳолда
мебель ишлаб чиқариш цехини
қуриш учун ер участкаси ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “ORZU ABLAKULOV SERVIS” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига мебель ишлаб чиқариш цехини қуриш учун Тойлоқ тумани ҳокимлиги захира ер ҳисобидаги “Сохибкор” массивининг 18-контуридан 68,8 балли 1,0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдони куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

мебель ишлаб чиқариш цехини қуриш учун 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2019 йил 1 ноябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

90 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “ORZU ABLAKULOV SERVIS” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “ORZU ABLAKULOV SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига ажратилаётган 1,0 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига 99928378 (тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз йигирма саккиз минг уч юз етмиш саккиз) сўм миқдоридан пул ўтказиш юклатилсин.

5. Тойлоқ тумани ҳокимлиги (Б.Бабоназаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳақимов):

“ORZU ABLAKULOV SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нурқулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов